

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1988 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.



№ 99 (6.588)



1988 йил 29 апрель, жума

Баҳоси 3 тийми



Сифат яхшиланмоқда

«Бутуниттифок XIX партия конференцияси муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олаётган». — Шаҳримиздаги лак-бўёқ заводидинг бўёқ тайёрлаш цехи ишчилари ана шу широк асосда меҳнат қилишмоқда.

Маҳсулот сифатини яхшилаб бораётган цех коллективни томонидан тайёрланаётган буюмларга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Цех азаматлари яқинда ўз им кониятларини қайта ҳисоблаб чиқишиб, коммунистлар анжумани кунигача пландан ташқари 10 тонна аъло сифатли маҳсулот тайёрлашга аҳд қилишди. Бунга асосан иш соатларида унумли фойдала-

ниш, тежамкорлик ва иқтисод қилинган электр энергия ҳисобига эришилади. Шу кунларда коллектив ўртасида ўзаро беллашув тобора қизиб бормоқда. Унда В. Литвиненко, Г. Азизов, А. Верясов сингари аппаратчилар пешқадамлик қилишмоқда.

Шаҳримизнинг 9 Январь кўчасида Ўзбекистон ССР «Езувчилар союзининг адабий нашриёт» маркази қад қўтармоқда. Объектни «Главредизирсовхозстрой» та қарашли «Промстрой» трестининг 11-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи бунёд этмоқда. Марказ шу йилнинг туртинчи кварталда фойдаланишга топширилади.

Меҳнат зафарларимиз—1 Майга

Ютуқлар гарови

КПССнинг XIX Бутуниттифок конференцияси шарафига социалистик мусобақада актив иштирок этаётган Тошкент фурунтура-пластмасса заводи 4-участкисид С. Шокирова етакчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси ишчилари партия конференциясини ёруғ юз билан кутиб олишга бел боғлаганлар.

Ҳар бир ишчи смена давоида топириқни 135 процент бажармоқда. Ўтган ойлар плани ошириб бажарилди. — Шу кунларда коллективимиз келгуси ой ҳисобига маҳсулот топириқда. Коллектив бундан бир неча йил илгари жорий этилган бригада пудрати ютуқлар гарови бўлипти. — дейди участка мастери Н. Салимова. — Бригадининг Н. Бабиш, С. Зокиров, Ш. Ҳабибуллаев сингари комсомол-ёшлари меҳнат беллашувда пешқадамлик қилмоқдалар.

С. МАМАЖОНОВ.

Мусобақа асосида

Шаҳримиздаги йирик панелли 2-ўйсозлик комбинатига қарашли 2-пардозлаш бошқармасининг Шофатхиддин Шаҳобиддинов етакчилик қилаётган бўёқчилар бригадаси ўн иккинчи беш йиллик учинчи йилида самарали ишламоқда. Социалистик мусобақанинг коллективда пухта йўлга қўйилганлиги туфайли ишлар ҳам самарали бўлмоқда.

40 кишидан ташкил топган бу коллектив учта звенога бўлинган. Ҳар бир звенога тажрибали бинокорлар етакчилик қилишмоқда. Ҳозирги кунда Шофатхиддин Шаҳобиддинов етакчилик қилаётган бригада аъзолари Чилонзор районининг «Қизил шарқ» массивида бунёд этилган 9 қаватли, 126 квартиралари турар жой биносид пардозлаш ишларини адо этмоқдалар.

Звенолар ўртасида ҳам ўзаро мусобақа намунали ташкил этилган. Шу босдан ҳар бир коллектив бу беллашувда ғолиблик қилиш ниятида кун сайин баракани иш юритиб, бригада муваффақиятига мустаҳкам замин яратаяпти.

Объектдаги ишнинг тез ва соз бажарилишида коллектив аъзоларидан Бахтиёр Тенабоев, Расима Пухова, Шоҳали Мирзаев, Гулнора Муҳаммаджонова, Гудбай Гатауллина, Аксана Новикова, Салима Гизатова каби меҳнат пешқадамларининг ҳиссаси катта бўлаяпти. Улар кунлик нормаларини 1,5 ҳиссадан адо этиб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил 1 Май Чакриқилари биз бунёдкорларни ҳам янги меҳнат ғалабалари сари руҳлантириб юборди. — дейди биз билан суҳбатда бригада етакчиси Ш. Шаҳобиддинов. — Бу йил ҳар бир объектни тез, соз ва сифатли пардоздан чиқариш бизнинг ширимизгагина эмас, балки кундалик иш фаолиятимизнинг асосий мезонига айланди.

Шу кунларда бригада аъзолари мазкур объектни муддатидан илгари ағдарига топириш учун ўзаро мусобақани қизғин авж олтирган ҳолда иш суруятини тобора оширмоқдалар.

З. ТУЛАГАНОВ.

Тежамкорлик—нақд бойлик

«Главташассавтогранс» бошқармасига қарашли 3-экспериментал такси парки коллективни пойтахт аҳолисининг узоғини яқин қилмоқда.

Корхонамиз коллективни аҳолига хизмат кўрсатишнинг социалистик мусобақа асосида ташкил этиб Бутуниттифок XIX партия конференциясини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилмоқда. — деди парк директори Файзулла Мамажонов.

Комбинатимизда меҳнат интизомига катта эътибор берилди, ёқилгани тежаб-тергаб фойдаланиш бирдан-бир мақсадимиз. Масалан, Ҳабибулла Тўрақонов, Бобоқул Исмоилов, Маннон Қодирбеков, Анатолий Тугаев сингари ҳайдовчиларимиз аҳолига маданий хизмат кўрсатиб, кундалик ва ойлук топириқларини 115-120 процентдан адо этишмоқда.

Шу кунларда келгуси йил ҳисобига фидокорона меҳнат қилишмоқда. Уларнинг аҳди бир беш йилликда иккинчи беш йиллик топириқларини адо этишдир.

Ҳозирги кунда 556 та автомобилга газ билан ишламоқда. Машиналарнинг газ билан юриши натижасида, 20 минг тонна бензин иқтисод қилишга эришилди. Демак, ҳар бир тонна бензиндан 40 сўмдан фойдаланилади.

У. МУҲАМЕДОВ.

Тошкент область партия комитетининг навбатдаги бюро мажлисида Тошкент

— Ангрн темирйўл магистралининг 110-километр-диги переезидида шу йилнинг 12 апрелида рўй берган йўл-транспорт ҳодисасида оид масала кўриб чиқилди. Юл поезиди ва «Ина-риус-280» маршрутлик автобус тўқнашув натижасида икки йўловчи ҳалок бўлди. 28 йўловчи касалхонага қўйилди, кейин уларнинг турти нафари ҳам касалхонада вафот этди. Бу фожаиявий ҳолат переезидида хизмат кўрсатиш инструкториясини кўпол равишда бузган Тошкент йўл дистанциясининг Ангрн участкаси монтери В. М. Аҳмедов ва йўл ҳаракати қондаларини бузган автобус ҳайдовчиси Э. Т. Курбоннов бевосита айбдор дидлар.

Шу нарса таъкидландики, ҳодиса сабабларини ўрганиш давомида Тошкент йўл дистанциясини ва Ангрн автобус-таксомотор парки иш-даги бир қатор жиддий камчиликлар маълум бўлди. Бу ерда меҳнат ва технология интизом ниҳоятда пастдир. Аварияларнинг олдини олиш, ҳодимлар касб маҳоратини ошириш бўйича профилактика ишлар қонқарсиз ташкил этилган. Улар ўз хизмат ва-зифаларига қандай муносабатда бўлаётганликлари зарур даражада назорат қили-бл бориладими. Тошкент йўллар дистанциясини (ўртоқ У. Файзуллаев), Ўрта Осн

темир йўли Тошкент бўлини-маси (Е. А. Курочкин, С. О. Олимов), А. М. Арутюни-ни (ўртоқлар) раҳбарлиги-ни шу переезидида 1987 йил 27 мартда тепловоз билан юк автомоби-ли тўқнашувидан зарур даражада ҳулосалар чиқариб олмади. Улар авари-я сабабларини барараф этиш асосидан самарали тадбирлар қўрмидилар, ҳара-кат хавфсизлигини бўйича белгиланган нормативлар-нинг бажарилишида инти-зомсизликка йўл қўйдилар, рўй берган авариялар ва иш-даги брақ ҳоллари ҳисобот-да бўзиб кўрсатилди. Темир йўл переезидлари ку-риш, сақлаш ва фойдаланиш масалаларига кераклича эътибор берилмади. Ўрта Осн темир йўли бошқар-маси раҳбар коммунистлари Н. А. Белогорев, В. М. Жел-тоухов, Х. С. Мираахмед-дов, А. Ҳ. Раҳимов ўртоқ-лар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Тош-кент темир йўл бўлини-маси-га зарур ёрдам кўрсатма-яптилар, етарлича раҳбарлик қилмаптилар, унинг фео-лияти устидан назорат ўр-натмаптилар.

Ангрн автобус-таксо-мотор парки раҳбарлари А. Н. Калинин, В. Л. Грезин, А. В. Есин, автолоина бо-ши-ликлари ва ҳаракат хавф-сизлигини хизматчи ҳодимла-

ри йўлдаги ҳайдовчилар иши устидан назоратда рас-миятчиликка йўл қўймоқда-лар, профилактика ишлари билан роставкачи шугул-ланмайдилар. Ҳаракатдаги составнинг туртдан бир қисми яроссиз ҳолга келиб қолган бўлса-да, улардан фойдаланиш давом этапти, ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимида риоя қилинмаяпти. Тошкент об-ласт пассажирлар ташки-лотвотри раҳбарлари Ф. Т. Парпихужаев, В. А. Ким, О. Я. Осин ўртоқлар ҳара-кат хавфсизлигида рўй бер-ган аҳолига жиддий баҳо бермаптилар, автотранс-портдаги нозот техник ҳолат билан келишиб келмоқда-лар.

Област автомобиль транс-порти ва йўллар ишчилари касаба союзи область коми-тети (ўртоқ С. А. Даниль-яни), темирйўл транспортчи-домилари касаба союзи рай-он комитети (ўртоқ А. Х. Мираахмедов) транспортда ҳара-кат хавфсизлигини таъ-минлаш билан боғлиқ маса-лаларни ҳал этишда ҳамон ўз ўринларини топа олма-ганлар. Кўпгина меҳнат коллективларида ўртоқлик судлари, ҳаракат хавфо-из-лиги ва меҳнатни муҳофа-за этиш бўйича жамоатчи ин-спекторлар ниҳоятда сус-

ҳаракат қилмоқдалар. Бир қатор корхоналар, касаба со-юз ташкилотлари раҳбар-лари кишиларга раҳмюрлик кўрсатиш, меҳнат қилиш ва дам олиш учун нормал шароитлар ярати бериш би-лан боғлиқ социал-маиший масалаларни ҳал этишда та-шаббус кўрсатмаптилар.

Темирйўл бўлини-маси пар-тия ташкилоти (ўртоқ Г. В. Заборцев) транспортда хавф-сизлигини таъминлаш юза-си-дан мақсадга мувофиқ тар-зда иш олиб боришда раҳбар коммунистларга нисбатан зарур даражада талабчан-лик кўрсатмаптилар.

Тошкент область икрония комитети ҳузурида хавф-сизлигини таъминлаш бўй-ича тузилган комиссия (ўр-тоқ О. Г. Айдаков) транс-портдаги авария ҳолатла-рини қамайтириш масала-ларини ҳал этишда, бу бо-рада идораларо тўсиқ-ларни тугатишда координа-ция қилувчи ва йўналирув-чи органга айланишга йўл.

Темирйўлдан ўтиш пайти-да транспорт воситалари-нинг ҳаракат қондасини бу-зиш ҳоллари ҳамон юқори даражададир. 1988 йил би-ринчи кварталда қарийб 3 мингта шундай ҳол юз бер-ди. Шахсий транспорт ҳай-

довчилари ўртасида ава-ри-яларга кўп йўл қўйлаёт-ганлиги ҳам ташвишлидир. Йўл-транспорт ҳодисалари-нинг 40 процентга яқини улар зиммасига тўғри кела-пти.

Йўл ҳаракати қатнашчи-лари маъсулиятини ошириш юзасидан зарур чоралар кў-риляпти. Област Давлат автоинспекцияси (ўртоқ М. Н. Аҳмедов) йўл ҳаракати қон-даларининг қўпол равишда бузилишида айбдор бўлган кишиларга нисбатан кўнги-лчанлик қилапти.

Област партия комитети транспорт ва алоқа, маъу-рий органлар бўлими, Ангрн шаҳар, Ленин рай-он партия комитетлари ҳара-кат хавфсизлигини таъ-минлаш юзасидан партия ва ҳукумат ҳамда ўзлари қа-бул қилган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши устидан зарур партиявий назоратни таъминламаяптилар. Бу қа-ро-рларнинг бажарилишига бошлангич ва цех партия ташкилотларини сафарбар этмаптилар.

Област партия комитети шуни таъкидлайдики, ава-ри-ядан азият чекинарга ҳар томонлама меҳнатча ёр-дам кўрсатиш юзасидан оператив тадбирлар қўри-лди, уларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоралари қўри-

моқда. Йўл-транспорт ҳо-дис-аси меҳнат коллективлари партия ташкилотларида, Ан-грн шаҳар ва Ленин район партия комитетлари бюро мажлисларида кўриб чиқил-ганлиги инобатга олинди.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги жиддий кам-чиликлари учун Тошкент об-ласт темир йўл бўлини-маси бошлиғи Е. А. Курочкина қаттиқ виговор, унинг ўрин-босари А. М. Арутюнянга КПСС аъзолиги ҳисоб кар-точкасида ёзиш шарти би-лан қаттиқ виговор эълон қилинди. Ленин район пар-тия комитети бюроси А. М. Арутюнянни бу лавозимда турши мақсадга мувофиқ эмас, деб топти.

Темирйўл бўлини-маси пар-тия комитети секретари В. П. Бондаренко, йўл ҳўжалиги бирлашган корхонаси пар-тия ташкилоти секретари В. А. Попов, Ўрта Осн те-мир йўли бошлиғининг ўрин-босари А. Х. Мираахмедов, Ангрн автобус-таксомотор парки директори А. Н. Ка-линченко ва автобус-таксо-мотор парки партия ташки-лотвотри секретари Н. Н. Голо-ванов, Тошкент область пас-сажирлар ташкилотвотри-ти бошлиғининг ўринбосар-лари О. Я. Осин, В. А. Ким партиявий жавабгарлигиа тортидлар. Темирйўл бў-лини-маси касаба союзи район

комитети раиси А. Х. Мир-маҳмудовдан бу лавозимда фойдаланиш мақсадга му-вофиқ ёки номувофиқлигини ҳал этиш масаласи қўйилди.

Тошкент йўллар дистан-цияси бошлиғи У. У. Фай-зуллаев, Ангрн автобус-таксомотор парки директо-рининг ўринбосари В. А. Грезин ва бир қатор бошқа ҳодимларга нисбатан пар-тиявий йўл билан жазо бе-ри-либ, вазибаларидан бўша-тидлар. Аварияда айбдор бўлган бир қатор шахслар устидан жиноий иш қўра-тилганлиги инобатга олин-ди.

Област партия комитети партиявий йўл билан илгари жазоланган Тошкент область пассажирлар ташкилот-вотри бошқарувчиси Ф. Т. Парпихужаевдан бундан бо-ён бу лавозимда фойдала-ниш мақсадга мувофиқ эмас, деб топти.

Област давлат автоин-спекция бошлиғи М. Н. Аҳ-медовга назоратдаги кам-чиликлар ва ГАИ бўлимига қарашли партия ташки-лотвотри фаолиятидаги сус-тамлиқ қаттиқ кўрсатиб ўтил-ди.

Ўрта Осн темир йўли бо-ши-лиғи КПСС аъзоси Н. А. Белогорев, унинг ўринбоса-ри В. М. Желтоухов, об-ласт партия комитети транс-порт ва алоқа бўлими му-

дири А. А. Манасов, Ан-грн шаҳар партия комите-тининг биринчи секретари А. П. Володарский, Ленин район партия комитетининг биринчи секретари В. Д. Ардастов ўртоқлар эътибо-ри ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, надрларга нис-батан талабчанлигини оши-риш ва автотранспортни те-мирйўл транспортни корхо-наларида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш масалаларидаги жиддий кам-чиликларга қаратилди.

Автомобил ва темирйўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспорт, меҳ-нат коллективларида ташки-лотчилик ва снсий ишларни қучайтириш билан боғлиқ масалаларни сўзсиз ҳал этишга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

Област, шаҳар ва район газеталари, телевидение ва радио редакцияларига транс-порт корхоналари партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, раҳбарлик состави ишлари еритили, ава-ри-ясиз ишлаш тажрибасини кенг тарғиб этиш, ҳара-кат хавфсизлиги муаммо-лари бўйича танқидий чи-қишларнинг тасирчанлиги-ни ошириш билан боғлиқ иш-ларни қайта қуриш топи-ри-ди.

Област партия комитети бюроси бошқа масалалар-ни ҳам муҳокама қилиб, улар юзасидан тегишли қа-ро-рлар қабул қилди.

Қайта қуриш жонкуярлари

КПССнинг Бутуниттифок XIX конференцияси 1988 йилнинг 28 июнь кунли Москвада, Кремнинг Сьездлар саройида очилди. Бу тарихий кунга, де-мак бугун роппа-роса олтинчи кун қолди. Айни пайтда жойларда Бутуниттифок XIX партия конференцияси делегатлигига номзодлар кўрсатиш бошланди. Делегатликка номзод-лар ҳақиқий демократия принциплари асосида танланмоқда. Меҳнат коллективлари ўзлари-нинг энг яхши вакилларини — коммунистларнинг номзодларини кўрсатмоқдалар. Кеча

Валентина Ивановна Тарантарова ҳақида газетада кўп ёзиш-ган. У 1-цех станокчиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Собир Раҳимов район партия комитети бюро аъзоси, район Совети депутати, Ўзбекистон Компартиясининг XIX, XX, XXI съездлари делегати.

Шунча жамоатчилик ишлари бир кишига кўплик қилмас-микан!

Йўқ, — дейди унинг ҳамкасблари. — Валентина И-вановна ҳамма ишга улғурдилар. Келинг, яхшики мебелсозлар-нинг у ҳақдаги фикрини эшитайлик.

О. Алимов: «Тошкент» мебел ишлаб чиқариш бир-ламаси бош директори:

Валентина Ивановна Тарантарова билан ҳақли равишда фарланамиз. Қошқийди, ҳамма ҳам у каби қуюнчақ, жон-куяр бўлса. Агар шундай бўлса, аллақачоноқ мебелларимиз-нинг сифатини жаҳон стандартлари даражасига чиқариб юбо-рар эдик. Бунга эришамиз ҳам...

Рустам Арслонов — станокчи:

Валентина Ивановна меннинг устозим. У киши менга кўп нарсаларни ўргатдилар. Ёшлардан юрак кўрини, қалб меҳри-ни аямайдилар. Ҳамма нарсига вақт топадилар. Гоҳида шунча жамоатчилик ишларини бажара туриб, плани ҳам қандай ошириб бажарар эканлар, деб ҳайрон қоламиз. Ёнг муҳим, вақтдан унумли фойдаланишда. Унинг номзодини жон-диллик билан қўллаб-қувватлайман.

Бахтиёр Иринов — 1-цех бошлиғи:

Тарантарова — фахримиз. Ишчиларимиз уларга ўхша-га, уларга эргашинга ҳаракат қилишди. Бу жуда яхши. Агар цехда таъминот масаласида узилиш бўлса, у киши, албатта жон куйдирдилар, олиб-югуриб, ундирдилар. Қайта қуриш учун шундай қуюнчақ кишилар керак.

бундай воқеанинг яна бир гувоҳи бўлдик. «Тошкент» мебел ишлаб чиқариш бирлаш-маси коллективи ўзининг номзодларини тавсия этди. Тўшликдан сўнг 1-тайёрлов цехи янада гажумлашиб кетди. Очқ партия янгиланиш бирлашма партия комитети секре-тари Х. Р. Юсуфжонов очди. Ишчилар уч кишининг номзодини кўрсатдилар. Қуйида ана шу замондошларимизнинг фаолиятлари билан танишасиз.

Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам «Мебеллар нега ги-жирлайди!» мақоласини тайёрлаш учун корхонага борганим-да станокчи Зухриддин Мухиддинов билан танишиб қолган эдим. Ҳали мўйлаби сабаза урмаган йигит эътирозларимизни эшитиб, шолғомдек қизариб кетган эди. Демак, унда днёт кучли экан. У пайтда Зухриддин жуда ёш, тажрибасиз эди.

Тўғри, сифат масаласи бизда чатоқ, — деган эди у ер-чизиб. — Лекин яхшилашга ҳаракат қилаямиз.

Бугун эса мана шу оддий сўзларнинг ҳавога беҳуда учиб кетмаганлигига ишонч ҳосил қила бошладик. «Тошкент» ме-беллари сифати анча яхши бўлиб қолди. Зухриддин ҳам ана шу даврда жонанон цехида уним-ўсибди, партия сафига ўтиб-ди, оилали бўлибди, турдош насларини ўзлаштириб олибди, коммунистлар етакчисига айланибди. Яхши одам ҳақида ҳам-маннинг гапиргиси келадди. Йигинишда ҳам ишчиларнинг бири олиб, бири қўйди.

Зухриддин Мухиддинов секретари сифатида коммунист-ларимизнинг активлигини ошириб юборди. — дейди КПСС аъзоси, бригадир Алексей Иванович Князов. — Ўзи ёш, ле-кин кўпга бош. Ёш катта деб биз кексаларни аяб ўтирмай-ди, юз-отирчилик қилмайди. Менга унинг қатъийлиги ёқади. Ҳайрлашадиганлимишда ҳам сўхбатимиз яна сифат масаласи-га бориб тақалди.

Ана, энди мебелларимиз гижирламайди, — деди у ҳа-зилмоуз. — Мана кўринг, — ёнимизда турган шафини кўли билан туртди, — «миш» этмайди. Давлат қабули шароитида ишляяпти. Бу янглик маҳсулот сифатини кескин яхшилади. Ҳа, орамизда ана шундай фидойи замондошларимиз бор-лигидан қалбларимиз янада завқшаққа тулади. Шундай одамлар бор бўлсин, дед ҳаққиринг келадди.

Т. ТОШЕВ.

СУРАТЛАРДА: Рустам Арслонов, Валентина Тарантарова, Зухриддин Мухиддиновлар.

Т. Каримов фотолари.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА



Хуррият Тўрабекова шахримиздаги 26-мактабда 1956 йилдан бери она тили ва адабиётдан дарс бериб келади. У ҳар бир дарсни қизиқарли, тушунарли қилиб ўтади. У мактаб ўқитувчилар методик бир-лашмасининг раиси ҳамдир.

СУРАТДА: Хуррият Тўрабекова (чапда) мактаб ўқитувчиси — соғиқ ўқувчиси — Малика Яхъёева билан.

В. Бектуганов фотоси.

Чекманг, азизлар!

Армия сафида хизматини ўқиб билан олиб бориш бир озгир бўларкан. Бунинг устига жамоат ишлари билан ҳам шуғулланар эдим. Мактаб бошлиғи сиёсий ишлар бўйича ўринбосарининг кўрсатмасига кўра кўргазмалар курашлари, тайёрлар, шпорлар ёзардим. Ўрта мактабни битиролмай ўқиниш чала қолгани тўғрисида кўп ўйлардим. Шунинг учун ҳам баъзи бир курсант дўстларим: «Хадоб ўйлаверма, ўқиб бўлса бир гап бўлар», — дейишарди-да чекишга ундашарди. Ўша пайтда бизга папирос ўрнига махорка беришарди. Мен авваллари ўзимга бериладиган махоркани дўстларимга улашардим, кейинчалик дастлаб эрмак учун, сўнгра дўрустгина чекувчилар қаторидан ўрин оладиган бўлидим.

1952 йилнинг баҳори эди. Дам олиш кунин. Казарма олдида ўрнатилган чекиш жойида ўнга ақин сержант ва курсантлар ўзлари ясаган қўлола ситареталарини тутатишиб, ҳазил-мутойиба қилишиб ўтиришарди. Курсантлардан бири менга қарата: — Саша (мени шундай аташарди) сен нега бекорсан? Кўрсатилган чекиш ўтиришасан-ю, сен бўлсанг аланарсаларни ўйлаб ўтирсанг, — деди.

Олди-қочди гаплар билан овера бўлиб, мактаб бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари капитан Тоннегрекчининг келиб қолганини пайқабман. Бирдан сержантлардан бири: «Встаб!» деб бўйбук берди. Ҳамма-миз ўрнимизда турдик. Капитан менга қарали: Курсант Мўминов, қўлингиздаги нима — сўради у.

Мен секингина папиросни ташлаб юбордим. Бунинг катта кўриб қолди-да, менга қараб «Папиросни олинг, дедим орқамдан юринг», — деди.

Мен бирор гуноҳ иш қилган бўладек, бошимни эгиб капитанга эргашдим.

— Яхши одадга ўрнаётган экансиз, — деди у киноя аралаш. Мен беҳабар қилибман. Кўндан бери чекмасми? — Яқиндан бери, — дедим мен.

— Нима, хизматини тугатиб уйингизга боргач, отангиз ва акаларингизга мақтанарсиз, мана мен папирос чекишни ўрганиб келдим деб. Фойдали хунарга, фойдали одадга ўрганганингиз арзийди. Бўш вақтингизни бекорга сарфламанг. Бунинг устига соғлиқингизга ўзингиз пўтур етказманг. Чекишни ўрганганлар уни ташлабмай қийналиб юришди. Сиз ҳам ўша қўйга тушманг дейламан. Бордию яна чекаётганингизни кўрсам, сиз билан мутлақо гаплашмайман, келишдикми? — деди капитан.

Шу пайт хонага мактаб бошлиғи, гвардиячи майор Вусик кириб келди.

— Нима гап ўзи, нима гуноҳ қилибди билсан бўладими? — сўради у.

— Чекишни ўрганибди, — деди капитан.

— Сиз ўртоқ капитан, бунга кўпроқ вазифа берамиз, зерикмайди, чекишни ўрганишга вақт тополмайди, — деди майор ва кейин менга юзланди.

— Ахир мен чекаётган йўл, капитан чекмайди, кўпчилик командирларнинг чекишмайди-ку, нега сиз бундай беаъни одадга ўрганишсиз?

Мен командирларим олдида жуда изза бўлидим. Бундан кейин ҳеч қачон чекмасликка сўз бердим. Шу-шу папирос чекиш у ёқда турсин, чекаётган одамнинг ёнида турингиза тоқат қилмайман. Ҳа азизлар, чекишни ташлаб керак. Ўз соғлиқингизга пўтур етказманг. Бу унчалик қийин эмас. Бунинг учун фаят бир нарсаси — ирода керак, холос.

С. МҲМИНОВ, меҳнат ветерани.

Бор эди, йўқ эди, чол билан кампир бор эди. Улар Мо-вий денгиз бўйида яшашар-ди. Уларнинг ёриқ тоғораси ва авария ҳолатидаги квар-тираси ҳам бор эди. Кўнлар-дан бир кун чол балиқ овига борди. У тўр ташлаб тортиб қараса, унга Олтин балиқнинг ўзини тўшди. Чол до-дираб қолди, ҳайрон бўлди. Ахир Олтин балиқ билан учра-шиш, яна шундай рўпарча-рўпарча дуч келиш доимо бў-ладиган ҳолат эмас-ку. Балиқ эса худди одамдек янардан: — Салом, ўртоқ! Қандай қи-йинчиликлар пайдо бўлиб қол-ди! Кир юзадиган тоғорам! Квартира ремонт қилишми! Ташвишланманг, бундай му-аммоларни дарров ҳал қилиб ташлаймиз.

Балиқ варақланадиган кален-дарин олиб, ниманидир ёзиб қўйди ва ҳар қандай ишни зумда бажаришга ваъда бер-ди.

Чол қувониб кетди, балиқни Мо-вий денгизга қўйиб юбор-ди. Ўзи эса кампирдан суюн-чи олгани юғурди.

— Орадан бир кун ўтди, ик-кин кун ўтди, учинчи квартал ҳам ўтди... Чол билан кампир синиқ тоғора ёнидаги эски уйда даразадан Мо-вий ден-гизга тикилиб, бир-бирига жўр бўлиб ашула айтиб ўти-

ришарди: «Ҳаёт ҳали олдин-да умид билан кутавер...» Аулани охиригача айтиб бў-лишгач, чол денгизга — ба-лиқнинг қабулига жўнади. Мо-вий денгиз мавқиланди, шо-вуллади, шамол туриб, денгиз қаъридан Олтин балиқ чиқди. — Албатта, эсимда, эсимда, — деди балиқ ва йўталиб олиб давом этди: — Худди сизнинг

соз, тоғорамиз янги бўлади. Олтин балиқ гап битта деб ваъда берди. Яна кутинди. Яна кутинди. Ҳеч нарсадан дарак бўлмади. Чолинг устидаги қиймалар юр бўлиб кетди. Кампир унинг қиймаларини юзмай қўйди. Илож йўқ. Чол ўйлаб-ўйлаб яна Олтин балиқнинг ҳузурига жўнади.

— Эҳ-э, роса қайсар экан-ку! — деди у оғизчасини қий-шайтириб. — Чоллар бутун қирғоқ бўйлаб навбатда тур-ибди. Ҳаммаси хотиркам. Бунга эса дарров муҳайё қил эмиш. Ёвуз чола ўшайди. — Унда нима қилиш керак! — деди чол ҳайрон бўлиб: — Мен, ахир културний сўз билан тушунтирмаман-ку, — де-

чиқиб олиб, соқчилик қила бошлади, кампир эса уни де-разадан туриб «арраларди» ва айна пайтда микромалку-ляторда балиқнинг мўъжиза-си ҳақида фоя оқарди. У кал-куляторни қандақсига бур-масин, доим адашиб кетар-ди. Хуллас, ҳеч нарсадан да-рак бўлмади.

Шундан кейин чол тўртин олиб Мо-вий денгиз бўйига бор-ди. Бунинг қарангичи, яна Ол-тин балиқни тўтиб олди. Аф-тидан у сабалиқда сузиб юрган бўлса керак.

— Ҳали баъзи камчилик-ларимиз бор, — деди балиқ ва атрофга ўз-ўзини таниқид на-зари билан кўз ташлади. — Ле-нин коллективимиз ўз имма-сидидаги вазифани муваффақ-ият билан ҳал қилади. Обьект-ларни ўз вақтида ва юқори си-фат билан топширади!

Чол ҳеч нарсаси демади. У фа-қат балиққа ёқараш қилди-да, ойқулоғидан тўтиб, уйига олиб кетди ва кампирнинг қўлига тутқазиб деди: — Бунинг ахшиллаб қовур!

Русчадан Суроб ЯУЛДОШЕВ таржимаси.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

Олтин балиқ

Ҳажвия

Феликс ФЕЛИН

масалангизни ҳал қиялмиз. Айтилган сўз — отилган ўқ! Гап битта! Коллективимиз эми-масидаги вазифани сўзсиз бажаради! Биз қийинчилик-лардан қўрқмаймиз... — Ба-лиқ фикрининг лўнда қилиб айтиб, сўзгичини силкитди-да тезгина қайиб бўлди.

Чол, гарчи ҳеч нимага ту-шунмагани бўлса-да, хурсанд бўлиб кетди ва кампирнинг сую-нчиликни учун юғурди. — Ана хурсандчилиги мана хурсандчилик, — деди кампи-рига у, — яқинда квартирамиз

Мовий денгиз қаттиқ мавж-ланди. Об-ҳаво бутунлай ай-ниқ кетди. Шимол-шарқий шамол секундида 6—10 метр тезликда эса бошлади, баъзи жойларда ёмғир ва ҳўл қор ёғди. Бу гап сув бетида озгин қилка чиқди.

— Менга Олтин балиқ ке-рак эди, — деди чол. Қилка жавоб қайтармади. У сувдаги аксини томоша қи-лиш билан банд эди. Чол саво-лини такрорлади. Қилка су-дан кўзини олиб, чолга қара-ди.

ди балиқча ранкинган ҳолда, — сабзи суви билан кўпикла-ган сўт ичинг. Ишлаб чиқ-риш тжмистиксини бажар-ринг. Чуқур-чуқур нафас олинг. Агар ваъда қилинган бўлса — бўлади. Кутинг, ке-йин қўйишадди.

— Нима қўйишадди! — чол бутунлай додираб қолди.

— Ушани! — жавоб берди қилка, — Резолюцияни. Чол уйга кел қайтди. Лекин резолюция билан қайтди. Яна кута бошлади. Чол рабнага

Ўқишга марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ
ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ
ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ
1988-1989 ўқув йилига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

А. ХҲЖАЕВ НОМИДАГИ 12-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА
БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҚУРИЛИШЛА-РИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИЛАДИ ИХТИСОСИЙЛАР БУЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАБЕРЛАЙДИ: ку-ришлиш бўёқчиси, куришлиш дурадгори, электр лавандчи. Ўқиниш муддати — 8 синфини битирганлар учун — 3 йил; 10 синф маълумоти билан ишт теруви ихтисослигини эгалловчилар учун ўқиниш муддати — 1 йил ва 6 ой; 10 синф маълумоти билан ганч ўймакорлиги ихтисослигини эгалловчилар учун ўқиниш муддати 1 йил ва 6 ой; 8 синф-ни битирганлар учун — 3 йил.

Таълим даврида 3 йил муддат билан ўқиётган ўқувчи-лар 3 маҳал оғат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагач уларга ўрта маълумот ҳа-қида диплом ва эгаллаган касби бўйича рааряд берилади. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида уларга бажарган иши учун оладиган иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Бир йиллик ва 6 ойлик таълим гуруҳларига 10-синф-ни тамомлаган ва Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаган кишилар қабул қилинади. 6 ойлик гуруҳла-ларга қабул қилинган ўқувчиларга оғига 72 сўм стипен-дия тўланади.

Ўқиниш даври узлуksиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобла-нади.

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун билим юртида ҳаваскорлик тўғараклари, 13 та спорт секцияси ташкил қилинган.

Ўқиниш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаган ўқувчи-ларга конкурсдан ташқари ўрта ва олий ўқув юртиларига ўқишга киришлари учун йўлланма берилади.

Ўқишга кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: ариза, таржиман ҳол, туғилганлик ҳа-қидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумот ҳақидаги ҳуж-жат, мактабдан справка, яшаш жойидан справка, 6 донга фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

АРИЗАЛАР ЯҚИНАБДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ
СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райо-ни, 26-квартал, 1-уй (54, 187, 3-автотўқуларнинг «12-квар-тал» бекати; 4, 9, 17-трамвайларнинг «30-поликлиника» бекати).

26-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

— заргарлик касбига, ўқиниш муддати — 1,5-3 йил;
— чинни буюмларга гул солувчи расsom, чинни буюм-ларни қоллловчи, чинни буюмларини элтувчи, саноат ас-доб-укусувчилар бўйича слесарь касбларига. Ўқиниш мудда-ти — 1-3 йил.

Ўқишга Тошкент шаҳрида яшовчи йигит ва қизлар қа-бул қилинади. 8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун таълим муддати — 3 йил. Ўқишга қабул қилинган-лар 3 маҳал оғат, кундалик уст-бош ва коржома билан таъминланадилар.

10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун таъ-лим муддати — заргарларга 1,5 йил, бошқа касобларга — 1 йил. Уларга оғига 30 сўм стипендия тўланади. Ўқишга қабул қилинган барча ўқувчиларга ишлаб чиқ-ариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти тўла-нади.

Билим юртини тамомлаганларга тулиқ ўрта маълумот ва касб эгаллавланлиги ҳақида диплом берилади. Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчилар олий ўқув юртилари ва техникумларга имтиёзли шартлар билан қа-бул қилинадилар.

Билим юртидаги таълим даври доимий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кириш имтиҳонларсиз қабул қилинади.

Ўқиниш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни то-пириш лозим: директор номига ариза, туғилганлик ҳақи-даги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, ота-онасининг иш жойидан ва яшаш жойидан справклар, медицина справкиси (286-форма), характеристика, 6 донга фотосурат (3х4 см. ҳажмида), таржиман ҳол.

МАШҲУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН ВОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700002, Тошкент шаҳри, Собир Раҳи-мов райони, Сағбон кўчаси, 17-тўқма 4-уй, (100, 59, 166-автотўқуларнинг «Қўшут» бекати). Телефонлар 44-30-07, 44-15-86.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Байрам дастурхонининг кўрки

БИЛЛУР БУЮМЛАРНИ БАЙРАМ
ДАСТУРХОНИНИНГ КЎРКИ ДЕСА
БЎЛАДИ. УЛАР ҲОЗИР БЎЛГАН-
ЛАРГА ҚАНДАЙДИР ТАНТАНА-
ВОР РЎХ БАГИШЛАЙДИ.


ОЛМОС ҚИРРАЛАРИ КАБИ ТОВЛА-
НУВЧИ НАФИС ВАЗАЛАР, САЛАТ-
ДОНЛАР, ТАГДОНЛАР, СТАКАНЛАР
ДАВРА ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ КАЙ-
ФИЯТИНИ КЎТАРАДИ.

Биллур идишларга мель-
хиор ва кумуш пичоқлар,
вилкалар, қошиқлар узукна
кўз қўйгандек ярашиб кета-
ди. 6, 12, 24. буюмдан тар-
киб топган, бадиий безатил-
ган қошиқ, вилка, пичоқ
термалари шулар жумласи-
дандир.

Чой ичадиган дастурхон-
ни сопол чойнак, ликобча ва
конфетдонлар билан тузаса
бўлади. Нафис гул ва геом-
етрик шакллар туширилган
сопол буюмлар гулдор дас-
турхонда айниқса чиройли
қўринади.

МАРКАЗИЙ
УНИВЕРСАЛ
МАГАЗИНИ

БИРИНЧИ МАЙ БАЙРАМ
ДАСТУРХОНИГА РАНГ-ВА-
РАНГ БИЛЛУР, СОПОЛ,
МЕЛЬХИОР ВА КУМУШ
БҮЮМЛАРНИ ТАКЛИФ
ҚИЛАДИ.



ЦУМ.

Дикқат! Пиво хамиртуруши сотувга чиқарилди

«ТАШКЕНТПИВО» ишлаб чиқариш
бирлашмасининг
6-ПИВО ЗАВОДИ ҲУЗУРИДАГИ
ОКТЯБРЬ РАЙОН УЛГҮРЖИ-ЧАКАНА
КОМБИНАТИГА ҚАРАШИ
2-САБЗАВОТ МАГАЗИНИДА
(5-декабрь кўчаси, 2-уй)
ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 12 ГА
ҚАДАР

ЛИТРИ 44 ТИЙИНДАН ЯНГИ, СУЮҚ
ПИВО ХАМИРТУРУШИ РЕАЛЛИЗИ
ҚИЛИНМОҚДА.

Пиво хамиртуруши юқори сифатли озиқ-
овқат маҳсулотига ҳисобланади. У витамин-

ларга бой бўлиб, енгил ҳазм бўлувчи оқ-
силлар, углеводлар ва ёғлардан таркиб
топган. У В комплексидаги барча витамин-
ларни қабул қилишнинг энг яхши табиий
манбаи ҳисобланади.

Едингизда бўлсин, пиво хамиртурушини
қабул қилишдан бир соат олдин ва бир со-
ат кейин ширинликларни ичиш тавсия
этилмайди. Бу организм фаолиятининг бу-
зилишига олиб келиши мумкин.

«ТОШКЕНТПИВО» ИШЛАБ ЧИ-
ҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ 6-
ПИВО ЗАВОДИ.

«Эртак» ҳам, «ой» ҳам—байрам дастурхонида

БИРИНЧИ МАЙ — БАҲОР БАЙ-
РАМИ КИРИБ КЕЛИШИГА САНОҚ-
ЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ.

Байрам либосини кийган, байроқлар
билан безатилган шаҳар кўчалари

бўйлаб минглаб тошкентликлар намо-
йишчилар колонналарида ўтадилар.
ОҚШОМ ПАЙТИ ЭСА ҲАММА
БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ АТРОФИ-
ДА ЖАМУЛ-ЖАМ БЎЛАДИ.



ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг

Ўзбекистон агентлиги.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА
ТЕАТРИДА — 29/IV де Машха-
рабозлар.
МУХИММИ НОМИДАГИ ЎЗ-
БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕА-
ТРИДА — 29/IV де Музикали
комедиялардан сахналар.

Кино

29 АПРЕЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Чайка «ИЗТОПАР» (тоқ
соатларда).

Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «ИКИ ЕҚЛАМА ҚОП-
ҚОН» (18.30, 21.00).

Лисунув номли — «ОЛТИН
ЗАНЖИР» (тоқ соатларда).

Дружба — «УНТА НЕГР БО-
ЛАСИ» (18, 20.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «БАГ-
РИ ТОШ ОТАНИНГ УҒИЛЛА-
РИ» (17, 20.00).

Москва — «ИКИ ЕҚЛАМА
ҚОПҚОН» (18.30, 21.00).

Восток — «БИР МАРОТАБА
АЛДАБ» (18, 19.30, 21.00).

30 АПРЕЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Чайка — «ИЗТОПАР» (тоқ
соатларда).

Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «ИКИ ЕҚЛАМА ҚОП-
ҚОН» (16, 18.30, 21.00).

Лисунув номли — «ОЛТИН
ЗАНЖИР» (тоқ соатларда).

Дружба — «УНТА НЕГР БО-
ЛАСИ» (11, 14, 17, 20; 12, 15,
18, 20.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «БАГ-
РИ ТОШ ОТАНИНГ УҒИЛЛА-
РИ» (11, 14, 17, 20.00).

Москва — «ИКИ ЕҚЛАМА
ҚОПҚОН» (11, 13.30, 16, 18.30,
21.00).

Искра — «ТУЗОҚ» (12.00).

Восток — «ҚУЛГА ОЛИШ»
(12, 14, 16.00); «БИР МАРОТА-
БА АЛДАБ» (18, 19.30, 21.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ
БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:
Санъат саройи — 44-21-44,
Чайка — 77-06-20.

44-21-34, 44-12-74,
Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — 78-47-26.

Қозғоқистон — 35-24-92.

Ватан — 74-30-39.

Восток — 92-14-61.
Дружба — 67-96-87.
Москва — 68-68-81.

Шаҳар кинотеатрларида хиз-
мат кўрсатиш маданиятини
яқшилашга оид теклиф ва ис-
текларингиз билан Кинолаш-
тириш бошқармасига 33-37-11
телефон бўйича мурожаат қи-
лингсин. Репертуврдаги ўзга-
ришлар тўғрисида кинотеатр-
лардан тулиқ маълумот оли-
шингиз мумкин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-
ДА — «Ҳнд ва Африка фил-
ларин» аттракционининг га-
троллари (29/IV де 19.30 да).

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИДАГИ
МАДАНИЙТ ВА
ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ
«ЯШИЛ ТЕАТРИ»ДА

1 май соат 19.00 да
Лирок хонадалар Комлж-
он БАРАТОВ ва Марьям
ТАНГРИБЕРДИЕВА ишти-
рокида

«НАФОСАТ» ансамблининг
БАЙРАМ КОНЦЕРТИ
ҚАТНАШАДИЛАР:

II Бутуниттифоқ халқ жо-
дийи фестивалининг лау-
реатлари: Хотам ҚОСИМОВ,
Махмуда Қомилова, Маха-
маджон ХИДИРАЛИЕВ,
Шавкат ЖОРИПОВ, Аловид-
лар.

Ансамблининг бадиий раҳ-
бари Темур МАХМУДОВ.

Билетлар боғ кассасида со-
ат 10 дан 17.00 гача соти-
лади.

Ўзбекистон ССР Алоқа
министрлиги моддий-техни-
ка таъминоти Бош бошқар-
масининг ҳўналжи ҳисоби-
даги республика ихтисос-
лаштирилган базаси кол-
лективни база директори
Х. А. Тўлақовга опаси

Саломат Абдуллаева
НАВИХҲУАЕВНА

вафот этганини муносаба-
ти билан чуқур таъзия из-